

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК: 330.101.(541)

ИСМОИЛХЎЖАЕВ ХОНДАМИРХЎЖА ХОМИДХЎЖА ЎҒЛИ

**Миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантириш омиллари
таҳлили**

5А 230103 – “Макроиқтисодиёт”

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. М.Т.Асқарова

Тошкент – 2019


Диссертацияда миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантириш омилларининг мазмун-моҳияти очиб берилган, унинг турлари ўрганилган ҳамда миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантириш омиллари таҳлил қилинган. Ўзбекистонда иқтисодиётни барқарор ривожлантириш йўллари ва эришилган натижалар баҳоланган. Шунингдек, диссертацияда миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг истикболда ўзгариши вариантлари прогноз қилинган.

The essence and significance of sustainable development of the national economy has been explained in the dissertation, its types have been studied, and the factors of sustainable development of the national economy have been analyzed. Estimates of sustainable economic development and achieved results were assessed in Uzbekistan. The dissertation also proposes alternatives for sustainable development of the national economy.

В диссертации раскрыта сущность и значение устойчивого развития экономики страны, изучены виды и проанализированы факторы устойчивого развития экономики. В работе дана оценка устойчивого экономического развития и выявлены достигнутые результаты в Узбекистане. В диссертации также предлагаются альтернативы пути устойчивого развития национальной экономики.

Магистрлик диссертация иши “Макроиктисодиёт” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.

6 – сонли баённома «28» 05 2019 йил

Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. М.Т.Асқарова  «28» 05 2019 йил

Магистрант: Х.Х. Исмоилхўжаев

 «28» 05 2019 йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4
1-БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ – УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ.....	10
1.1. Миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг моҳияти ва аҳамияти.....	10
1.2. Миллий иқтисодиёт барқарорлигига таъсир этувчи омиллар.....	20
1.3. Макроиқтисодий барқарорликни таъминловчи омиллари баҳолашнинг услубий асослари.....	27
1-боб бўйича хулосалар.....	35
2-БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ ТИЗИМИ ВА УЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛИ	37
2.1. Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий барқарорлик кўрсаткичлари таҳлили.....	37
2.2. Ўзбекистон Республикасида макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга асос бўлган омиллари таҳлили.....	47
2.3. Иқтисодиётга инвестицияларни жалб этиш - макроиқтисодий барқарорликни рағбатлантириш воситаси сифатида.....	63
2-боб бўйича хулоса	68
3-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ.....	69
3.1. Мамлакатда макроиқтисодий сиёсатни такомиллаштириш йўналишлари.....	69
3.2. Макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда пул-кредит сиёсатининг ролини ошириш йўллари.....	76
3.3. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг барқарор ривожланиш кўрсаткичларини прогнозлаш.....	83
3-боб бўйича хулосалар.....	89
ХУЛОСА.....	90
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	92

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги. Мустақил тараққиёт даврида Ўзбекистонда барыарор ривожланиш даражасини таъминлаш мақсадида иқтисодиётни модернизациялаш, таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, етакчи соҳа ва тармоқларни ривожлантириш чора-тадбирлари амалга оширилди. Иқтисодиётда, турли мулк шакллари кенгайтириш, инновацион ҳамда инвестицион фаолиятни жадаллаштириш мақсадида институционал ўзгаришлар такомиллаштирилди. Иқтисодиётнинг изчиллик билан ривожланишига, жаҳон ҳамжамияти тан олган муваффақиятларга эришишда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш борасидаги ижобий натижалар асос бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «.....макроиқтисодий мутаносибликни сақлаш, қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида таркибий ва институционал ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш» муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаб берилди¹. Мазкур вазифаларнинг самарали бажарилиши Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Айни пайтда Ўзбекистон иқтисодиётининг янада кучли, барқарор ва мутаносиб ривожланган ҳолда майдонга чиқиши, жаҳон бозорларида ўзимизнинг мустаҳкам ўрнимизни эгаллаши, шулар асосида изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш бўйича олдимизда турган устувор вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш чораларини кўриш лозим. Шу билан бирга бугунги ижтимоий-иқтисодий вазиятда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга қаратилган илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, иқтисодий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. / Халқ сўзи. 2017 йил 8 февралдаги 28 (6722)-сон